

қолдиги қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда бўлганда — тулик ҳақмида; агар омонатларнинг қолдиқлари энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ортиқ бўлса — лицензия чакириб олинган кундаги ҳолатта кура қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридан кўра кўра бўлган омонатлар қолдиқ суммасининг 90 фоизи миқдорда, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз элик баравари миқдоридан ортиқ бўлмаган суммада.

Агар банк омонатчига нисбатан кредитор сифатида ҳам иш юритган бўлса, омонатлар бўйича ҳақ тўлаш миқдори омонатчи тўлашни дозим бўлган омонатлар бўйича ҳақ тўлаш суммаси билан банкнинг муқобил талаблари суммаси ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

Фуқароларнинг банклардаги чет эл валютасидаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаш Қонун билан белгиланган тартибда ва миқдорларда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган, лицензия чакириб олинган кундаги курс бўйича миллий валютага амалга оширилади.

11-модда. Фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаш тартиби ва муддатлари

Фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаш мақсадида банкнинг тугатиш комиссияси лицензия чакириб олинган кундан эътиборан икки ой мобайнида кредиторларни аниқлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захиралари фондига депозитга қўйилган дебиторлик қарзлари ва маблағларнинг олиш чорларини кўради. Мазкур маблағлар биринчи навбатда тугатилаётган банкнинг фуқаролар омонатлари бўйича қарзларини тўлашга йўналтирилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида қўрсатилган муддат тугатилган сўнг, банкнинг тугатиш комиссияси ўн кунлик муддат ичида Фондга қўйиладиган тақдим этиш шарт:

тасдиқланган маълумотларнинг аниқлиги; тугатилаётган банк мол-мулкнинг таркиби тўғрисидаги маълумот; кредиторлар томонидан тақдим этилган талаблар рўйхати; фуқаролар омонатларининг миқдорларини тасдиқловчи маълумот;

фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлаш учун Фондга зарур бўладиган пул маблағларининг ҳисоби.

Фонд оралик тугатиш комиссияси олган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўлашни Фонд оммавий ахборот воситаларида хабар эълон қилинган

Бўқлаш чизиғи

ни таъминлаш учун фуқароларнинг банклардаги гаровда турган омонатларига қўйилган; банкларнинг чет эллардаги филиалларига қўйилган пул маблағлари кафолатлаш объекти ҳисобланмайди.

4-модда. Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди

Ушбу Қонуннинг мақсадини амалга ошириш учун Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди (бундан буён матнда Фонд деб юритилади) тuzилади. Фонд фаолиятининг мақсади банкнинг банк операцияларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чакириб олинган (бундан буён матнда лицензия чакириб олинган) банклар билан бўлган қарзларнинг қайтарилишига қўйилган пул маблағларини кафолатлаш банк қайта ташкил этилганлиги муносабати билан лицензия чакириб олинган ҳолларга таълуқли эмас.

Фонд юридик шакс ҳисобланади ва банклар билан ёзма равишда тугатилаётган битимлар асосида фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашни қамраб олади.

Фонднинг мол-мулки банкларнинг мажбурий бадаллари, маблағ қўйилишидан олдинги даромадлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан шакллантирилади.

Фонднинг пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида сақланади.

Фонднинг ўз маблағларини давлат қимматли қоғозларига ва бошқа активларга қўйиладиган олган даромадлари солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

Фонднинг бошқариш Фонднинг қузатув кенгаши ва Фонднинг ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади.

Фонд молиявий ёрдам кўрсатиш ва хайрия фаолияти билан шуғулланиши, шунингдек, юридик шахсларнинг муассис бўлиши мумкин эмас.

5-модда. Фонднинг қузатув кенгаши

Фонднинг қузатув кенгаши Фонд фаолиятини умумий раҳбарликни амалга оширади.

Фонд қузатув кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Фонд қузатув кенгашининг мажлиси унинг раиси ёки Фонд қузатув кенгаши аъзоларининг камида учдан бир қисми томонидан заруратга қараб, аммо йилнинг ҳар чоррағида камида бир марта чакирилади.

Фонднинг қузатув кенгаши, агар мажлиси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, қарор қабул қилишга ҳақли. Агар мажлисида ҳозир бўлганларнинг камида учдан икки қисми Фонд қузатув кенгашининг қарори учун овоз бера,

Киркиш чизиғи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (У.Султонов) ўз қарорларини «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси **Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри, 2002 йил 5 апрель.

Бўқлаш чизиғи



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2002 йил

Теннис



РАҲБАРЛАРНИНГ «ҲАВАС»И

Катта теннисни нафис спорт тури дейишади. Бу фикрда жон бор. Унга ихлос қўйган ҳар қандай ёшдаги, ҳар қандай касбдаги киши ракетка тутиб кортта тушиши мумкин. Қоидалари ҳам мураккаб эмас. Бундан ташқари, теннис уйналганда инсон танасининг аксар аъзолари ҳаракатга келади. Шунинг учун теннис дунёдаги оммавий спорт турларидан бирига айланган. Унинг гузаллигига гувоҳ бўлиш учун эса профессионал спортчиларнинг кортдаги маҳоратини томоша қилишнинг ўзи қифоя.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам мазкур спорт тури жадал ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Шаҳар ва қишлоқларда кўплаб замонавий кортларнинг қисқа вақт ичида қад ростлагани, бу ерга минглаб кишиларнинг ташриф бузораётгани шундан дарак. Юртимиз фарзандларидан Ирода Тулаганова, Олег Огроздов, Ваҳид Кузнецко сингари яшил корт юлдузлари етишиб чиққани билан бирга, раҳбар ходимлар ҳам теннис билан дўст тутинишмоқда. Улар ўртасида ҳар йили ташкил этиладиган «Хавас» турнири тобора иш-

қибозларини кўпайтирмоқда. «Бухоротурист» акциядорлик жамияти бошқарув раиси Мансур Зокиров бир неча йилдан бери ана шу мусобақада қатнашиб келади. Биз ушбу раҳбарнинг теннис уйнашга қачон вақт топиши билан қизиқдик.

— Қунора эрталаб соат олтидан саккизгача кортта бўлман. Биласизми, теннис уйнай бошлаганимдан бери ўзимни жуда енгил ҳис қиламан. Суст ҳаракат туфайли келиб чиқадиган касалликлар менга бегона. Эрталабки машғулотдан кейин ишга яхши кайфиятда келишим эса энг

муҳими. Бу нарса меҳнат унумдорлигининг ошишига хизмат қилаётти.

Бугун пойтахтимиздаги Яланғоч мавзесида жойлашган «Тошкент» теннис кортларида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган раҳбар ходимлар ўртасидаги навбатдаги «Хавас»га старт берилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, шунингдек, вазирлар, ҳокимлар ҳам кортта чиқадилар. Жами 108 нафар раҳбар голиблик учун курашади. Беллашувлар жуфтлик ва якка тартибдаги уйинлардан иборат бўлади. Голибни кўча кубок билан бирга матбуот ходимлари томонидан жорий этилган эсдалик совғалар кутмоқда.

Айтгандай, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таъсис этган соврин хусусида. Ҳозирча нима совға эканлиги сир тутилаётган мукофот туринида иштирок этган «Энг оғир вазни раҳбар»га топширилиши мўлжалланган. Икки кун давом этадиган ана шу спорт байрамини бевосита қузатаман, десангиз, теннис кортларининг эшиги сиз учун очик.

Фаргона вилояти

Бағдод туманининг «Мирзабод» ширкат ҳўжалигида қабул пунктларига йилнинг илк ҳосили — пилла топириши бошланди. Дастлабки маълумотларга кўра, ҳар қуту қурт уруғидан режадаги 47 килограмм ўрнига 70 килограммдан ошириб «кумуш тола» етиштирилмоқда. Бу борада, айниқса, 44 йилдан буён пиллакорлик касбини шарафлаб келаётган Санъат опа Кенжаева эришган ютуқлар қувонарлидир. У оила аъзолари билан 2 қуту ипак қурти боқиб, бош пиллахонага жами 150 килограмма юқори навли хомашё етказиб берди.



СУРАТДА: Санъат Кенжаева.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

НУРОНИЙЛАР САФАРИ

Андижонлик 300 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари махсус поездда кўча ва ҳамнаш навқирон Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг диққатга сазовор жойларини, буюк аждодларимиз қадимларининг зиярат қилиб қайтдилар. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган бу зияратдан қариялар мамнун бўлишди.

Футбол

ЖАМИ 11 ТА ГОЛ!




«Жар» стадионида футбол бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ўтказилган Осие биринчилигининг саралаш ўйинлари бўлаётганини эшитганмирсиз. Ушбу баҳсларда қатнашаётган мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси кеча Шри-Ланка футболчиларини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси эса туркманистонлик тенгдошларини 7:0 ҳисобида доғда қолдиришди. Бир кун аввалги учрашувларда эса қуйидаги натижалар қайд қилинди: Туркманистон — Непаль 1:0, Қирғизистон — Шри-Ланка 1:1

Озод РАҲАБОВ, «Халқ сўзи» шарҳловчиси.

Тэквандо-ITF

ГУЛИСТОН ТАТАМИЛАРИДА САРАЛАШ БАҲСЛАРИ

Ҳа, республикамизнинг кўзга кўринган тэквандочилари 10-11 май кунлари Гулистонда тўпланишади. Мақсад Монголияда ўтказилган Осие чемпионатига борадиган спортчиларни аниқлаб олиш.



Барча вилоятлар вакиллари ушбу мусобақага жиддий ҳозирлик кўрган, — дейди биз билан суҳбатда Тэквандо миллий ассоциацияси вице-президенти, 2001 йилнинг энг яхши ҳаками Миродил Мирзахонов. — Сабаби битта. У ҳам бўлса, мамлакат терма жамоаси сафида қитъа чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини бералган йўлданмани кўлга киритиш. Кўплаб вази тоифасида ўтказилган саралаш беллашувларининг голибларигина ана шундай бахтга муяссар бўладилар. Олис хоризда юртимиз шаънини қайси спортчилар ҳимоя қилишини эса эртанги баҳслар кўрсатади.

Мутахассисларнинг тахминича, Урта Чирчиқ тумани маркази Туйтепада фаолият кўрсатаётган «Чағалён» клуби аъзолари маҳорат ва эътиқлик борасида бошқаларга нисбатан кўпроқ имкониятга эга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

«Туризм соҳасидаги фаолият кўрсатиш учун лицензия бериш» КОМИССИЯСИНING

2002 йил 15 мартдаги мажлиси 1-сонли баённомасига асосан туризм фаолияти учун берилган қуйидаги корхоналар лицензияси амал қилиши тугатилди.

№	Фирма номи	Лицензия рақами
1.	«КАНОАТ» мувофиқлаштириш маркази	469-99
2.	«НОУВАРА» Ўзбекистон-БАА қўшма корхонаси	466-99
3.	«INDORA» хусусий фирмаси	125-01

«Торсуна-Хосиятлик» ҚК Италия асбоб-ускуналарида қуйидагиларни ишлаб чиқаради:

- Пиво, маъданли сув ва мева ичимликлари учун мўлжалланган рангли тасвирли КРОНЕН ТИҚИНЛАР



● АЛЮМИНИЙ ҚАЛПОҚЧАЛАР «Бурама оғиз».

Тел.: (99871) 173-83-43, 78-34-33, 137-06-66. Факс (99871) 173-93-12, 133-06-66. E-mail: torsuna@infonet.uz



Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Ўзбекистон олтин қазиб олиш ва олмагса ишлаб бериш корхоналарининг «Узломосолтин» уюшмаси ТУТУ (ОКПО) бўйича код 00037552 тугатилмоқда.

Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ойлик муддат ичида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Пушкин кўчаси, 59-уй. Тел: 137-10-49, 137-14-32.

«МАТИЗ», «ТИКО», «НЕКСИЯ», «ДАМАС»

автомобилларини таклиф қилади!

Энг арзон нархлар, автомобиллар тўғрисидаги конвейердан, сифатли кафолат берилди.

Манзил: Андижон шаҳри, А. Темур кўчаси, 14-уй. Телефонлар: (8-3742) 24-19-84, 46-73-26, 46-95-48. Автосалон дам олиш кунингиз ишлайди.

«АСАКА» БАНКИ

даромадларингизни ошириш ва омонатларингизни ҳимоя қилиш мақсадида сизга қуйидагиларни таклиф қилади:

1) қайта кўриб чиқилган юқори фойв устамани омонатлар:

«ТАБАССУМ» (муддати камида 45 кун)	— 45 кун учун 6%
«ОРЗУ» (уч ойдан кам бўлмаган муддатга)	— ҳар ойда 3,5%

Муддатли:

- 6 ойдан 1 йилгача	— йилига 35%
- 1 йилдан 3 йилгача	— йилига 42%

2) **1. ТАЪБИ ҚИЛИШ ОЛМУЧЧА** — ҳисоб рақамини ёпиш пайтида йилига 3% кўчириш билан амалга оширилади, қолдиқнинг энг кам миқдори 300 АҚШ доллари.

3) **3. МУДДАТЛИ**

1) БИР ЙИЛГАЧА — камида 5000 АҚШ доллари	— ҳисоб рақамини ёпиш пайтида йилига 6% кўчириш билан амалга оширилади;
2) БИР ЙИЛДАН ИККИ ЙИЛГАЧА: - 5000дан 10000 АҚШ доллагича	— йилига 7%
- 10000 АҚШ доллари ва ундан юқори	— йилига 8%

ҳар ярим йилда тўлаб борилади.

3) Депозит пластик карточкалар ҳар ойда қолдиққа 3%дан кўшиб бориш билан йилига 42,6%гача.

4) Фойв тўловини омонатлар валютасида бериш.

ПУЛЛАРИНГИЗНИ ТЕЗ ВА ИСТАГАН ПАЙТИНГИЗДА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН. «АСАКА» БАНКИ ҚЎЙИЛМАЛАРНИ ТУЛА КАФОЛАТЛАЙДИ.

Бундан ташқари, «Асака» банки:

- «AMERICAN EXPRESS» йўл чекларини тўловга қабул қилади ва сотади;
- депозитар ичкеларни қимматбаҳо нарсаларни сақлаш учун ижарага беради.

Маълумот учун телефонлар: 120-83-91, 120-83-92. Манзилимиз: 700015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67. Банк филиаллари - Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида.

